ЯНГИ ЙИЛГА ЯХШИ НИЯТ ВА УЛУҒВОР РЕЖАЛАР БИЛАН!

Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

# BoysuN

2025-yil 3-yanvar
№ 1 (6440)

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

## Бойсун тумани ҳокими Боҳадир ШУКУРОВнинг юртдошларимизга Янги йил байрам табриги



**Қадрли юртдошлар!**

**Меҳнаткаш халқимиз янги асримизнинг чорак қисмини якунловчи - 2025 йилга яхши ниятлар ва улуғвор режалар билан қадам қўйди.**

**Кириб келган Янги йил Янги Ўзбекистонимиз, халқимиз учун файзли, баракотли, амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларимиз рўёбида муваффақиятли йил бўлсин!**

Ортда қолган 2024 йил чинданда туманимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим из қолдирган йил сифатида эсда қолади. Зотан йил давомида барча соҳаларда ўз олдимизга қўйилган мақсадлар йўлида эътиборли ютуқларга эришдик.

Хусусан, маданий-маърифий соҳада амалга оширилган лойиҳалар доирасида ўтадиган "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалининг юқори даражада ўтказилиши пировардида туманимизга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони илк маротаба ўн минг кишидан ошди.

Вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан янгидан барпо этилган ҳамда хорижий сайёҳ-меҳмонларни кутиб олиш, уларга халқаро стандардлар асосида сифатли хизмат кўрсатиш имкони бўлган Бойсун туризм маркази ўз фаолиятини бошлади. "Мустақиллик" маҳалласи ҳудуда эса "Олмазор туризм кўчаси" мажмуаси барпо этилиб, сайёҳлар хиёбони ташкил этилди. Ҳудудларда ижтимойи-иқсодий муаммоларни бартараф этиш, аҳоли учун қулай инфратузилма яратиш, ичимлик суви, газ ва электр энергияси билан таъминлаш сифатини юксалтириш мақсадида соҳаларда аввалги йиллардаги натижалардан бир неча баробар кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлигининг ҳамкорлиги билан шаҳар ҳудудидаги 10 та йирик маҳаллаларнинг ички йўллари таъмирланиб асфальт ётқизилди. Шаҳар марказидаги асосий кўчалар қайта реконструкция қилиниб, янгидан пиёдалар йўлаклари барпо этилди. Ушбу бунёдкорлик ишлари олис тоғ маҳаллаларида ҳам амалга оширилиб, биринчи навбатда энг асосий ижтимоий муаммолар бартараф этилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида шаҳар маркази ва "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиш-ободончилик ишлар давом эттирилиб, ўндан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Янги йил арафасида янгидан барпо этилган Бойсун жомеъ масжидининг фойдаланишга топширилгани барча ҳамюртларимиз учун ибодат амалларини қишин-ёзин энг замонавий шароитларда, тўкис бажаришларида кенг имкониятлар берди. Ўйлайманки, барча бундан миннатдор бўлгани шубҳасиз. Куни-кеча Президентимизнинг Сурхондарё вилоятининг туризм салохиятини янада юксалтиришга қаратилган қарорлари қабул қилингани эса Янги йилдан туманимизнинг Омонхона ҳудудида ҳам энг замонавий сайёҳлик мажмуаси барпо этилиш ишларини бошлаб беради.

Жорий йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтган сайловлар чоғида янгидан сайланган Халқ депутатлари туман Кенгашининг янги таркиби иштирокида ўтказилган Халқ депутатлари туман Кенгашининг биринчи сессиясида 2025-2029 йилларда Бойсун туманининг ижтимойи-иқтисодий ривожлантириш дастури эълон қилинган эди. Мазкур дастурнинг 2025 йилда амалга оширилиши режалаштирилган қисмида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида кириб келган 2025 йилда туманимизда барча соха ва йўналишларда кенг кўламли ишлар амалга оширилиш белгиланган. Ишончим комилки, барча тегишли ташкилот-корхоналар, биринчи навбатда туманимизнинг меҳнаткаш халқи — Сизлар ҳамкорлигингизда биз олдимизда турган ана шу вазифаларни бекаму кўст амалга оширамиз.

**Азиз юртдошлар!**

Сизларни кириб келган Янги йил билан ўзим ва туман ҳокимлиги номидан табриклаш баробарида барчангизга соғлик-саломатлик, бошлаган ҳар бир ишингизга барака, оилангиз, хонадонингизга тинчлик хотиржамлик тилаб қоламан!

## "ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ" САРИ ЯНГИ ДАВР

***Кириб келган янги йилимиз Президентимиз таклифлари билан "Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт" йили деб номланди. Бу мамлакатимизда кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш, инсон омили туфайли рўй бераётган экологик бўхронларни юмшатишга қаратилган ишларимиз янги босқичга чиқишига ишора.***




Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон экологик ҳалокат йилдан-йилга жиддий тус олаётган ҳудудда жойлашгани боис биз экологик талофатлардан энг кўп зарар кўраётган давлатлар рўйхатида турамиз. Афсуски, бу жараён чуқурлашган сайин, аллақачон глобал тус олиб бўлган. У нафақат иқтисодий бўхронлар, балки аҳоли турмуш даражаси, генофонди ва саломатлигига жиддий зарар етказувчи асосий хатар сифатида эътироф этилмоқда. Демак, эртага бутун дунёни хатарга қолдираётган бу офатдан омон қолишимиз, келажак авлодга хавфсиз макон ва турмуш тарзи қолдиришимиз учун бугунданоқ табиатга бўлган эътиборимизни ва муносабатимизни кескин ўзгартиришимиз тақозо этилади.

Бу ўзгариш, энг аввало, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан режали ва оқилона фойдаланиш, атмосферага чиқарилаётган углевод газларни минималлаштириш, яшил иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш, бу борада бугунги ишни эртага қолдирмаслик принципига амал қилиш кўринишида бўлиши керак, албатта.

Муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимиз яқин йиллар ичида барча соҳаларда "Яшил иқтисодиёт"нинг улушини кўпайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни ўз ичига олган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни мақсад қилган ва бу мақсадлар ижроси учун барчамиз, бутун Ўзбекистон халқи ҳамжиҳат бўлиши талаб этилади. Бу борада энг аввало, тежамкорликни ўрганиб, тежамкор "яшил" технологияларни ҳаётга татбиқ қилишни ўзлаштиришимиз керак бўлади. Энергетика, саноат, ишлаб чиқариш, ёқилғи саноати соҳасида қайта тикланувчи "яшил" манбалардан самарали фойдаланишга ўтишда ривожланган давлатлардан ортда қолмасликка интилиш лозим. "Яшил макон" лойиҳаси эса мамлакатимизни яқин йиллар ичида дунёнинг энг яшил, ҳавоси тоза, экологик барқарор давлатлари қаторига олиб чиқишига хизмат қилсин.

Кириб келган 2025 йил эса мана шундай улуғ мақсадлар сари дадил қадамлар, она табиатимизни асраб-авайлаш йўлида белгиланган устувор вазифалар ижроси учун тамал тоши қўйилган йил бўлиб, ўз номига муносиб тарихда қолса ажабмас.

**Абдулфаттоҳ ҲУСАНОВ,**
**туман ҳокими ўринбосари.**

## ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ ВАКОЛАТ БИЛАН БОШЛАДИМ



***Кўплаб мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам Янги йил умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Халқимиз бу байрамни алоҳида завқ ва тараддуд билан дўстлар, биродарлар ва оила даврасида яхши кайфият билан кутиб олишга ўрганган.***

Ҳатто, расман байрам сифатида эътироф этилмаган давлатларда ҳам милодий йил алмашинуви муносабати билан байрамона нишонланади бу кун. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида "Президент арчалари" ўрнатилиб, болажонларимиз учун қишки таътил тўлиқ байрам кайфиятида, байрам тадбирлари билан ўтказилади.

Хуллас, барча катта-кичик бирдек интиқлик билан кутиб, бирдек яхши кайфият ва тилаклар оғушида нишонланадиган байрам бу.

Якунига етган 2024 йил менинг ҳаётимда ҳам ўзига хос из қолдириб кетяпти. Икки ой муқаддам бўлиб ўтган сайловларда менинг номзодим Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига қўйилган эди ва мен бу сайловда етарли овоз олиб, депутатлик мандатига эга бўлдим. Айтмоқчиманки, сайловчилар ишончига сазовор бўлдим. Энди мен 2025 йилдан бошлаб кейинги беш йилликда асосий ишим билан бирга сиёсий жабҳада ҳам иштирок этиб, менга ишонч билдирган сайловчиларим ташвиши, муаммолари, ҳудудимдаги ижтимоий масалалар ва муаммолар ечими, ташвишлари билан банд бўламан.

Депутатлик масъулиятининг залвори қанчалик оғир эканлигини ҳозирданоқ ҳис қиляпман. Бугун аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ва аҳоли учун қулай яшаш шароити яратиш йўлида катта ислоҳотлар, дастурий вазифалар амалга ошириляпти. Депутат ҳам халқ вакили сифатида ўз ҳудудида мана шу ислоҳотлар доирасида амалга оширилиши мўлжалланган вазифалар тўғри бажарилиши учун масъул шахс. Айни пайтда мана шу масъулиятни англаган ҳолда тегишли идоралар, маҳалла ва сайловчилар ҳамкорлигида ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва келгусида босқичма-босқич бартараф этишга қаратилган тизимли ишлар бўйича дастурлар тайёрлашни режалаштиряпман. Чунки мен депутат бўлган ҳудудда аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан сифатли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, аҳоли бандлиги борасида қандай муаммолар борлигини жуда яхши биламан.

Мен ҳаётимда илк бор депутат ва халқ вакили деган шарафли номга сазовор бўлдим. Албатта, келгусида депутатлик фаолиятимни юритишда бир нача бор депутатлик мандатига эга бўлган тажрибали депутатлардан ўрганишга ҳаракат қиламан.

Биз кечагина умримизнинг яна бир йилини ортда қолдирдик. Менингча, ўтган йил халқимиз учун, мамлакатимиз учун хайрли бўлди. Кўп жабҳаларда юксалишларга эришдик. Худо хоҳласа бу йилда ҳам ўтган йилдагидан кам бўлмаган натижаларга эришамиз, албатта. Негаки, Ўзбекистон йилдан-йил юксалаётган, йилдан-йил оламшумул натижаларга эришаётган давлатлар қаторида турибди. Мен мана шундай фараҳли кунлар арафасида туриб, туманимиз аҳлини, ўз сайловчиларимни кириб келган Янги — 2025 йил билан табриклайман. Кириб келган йилда кўнглимизда ният қилинган хайрли амалларимиз ижобат бўлиб, юртимиз, Ватанимиз янада гуллаб яшнасин.

Йил давомида хонадонингизда яхши кунлар аримасин, азизлар. Янги йил барчамизга яхшилик, тинчлик-тотувлик ва албатта фаровонлик олиб келсин!

**Қаҳрамон АЛИМОВ,**
**Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши депутати.**

## ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗ АМАЛИ



**Бисмиллоҳир роҳманир роҳим!**

***Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, кириб келган 2025 йил арафасида бутун Бойсун элининг улуғ ниятлари ижобат бўлиб, барча аҳли мўминлар интиқлик билан кутиб юрган муборак кунга етказиб, шаҳримизда бунёд этилган янги Бойсун жомеъ масжиди фойдаланишга топширилди.***

2018 йилда туманимиз аҳлининг амалда фаолият кўрсатиб турган Саримозор жомеъ масжиди кейинги пайтларда кўп минг сонли намозхонларни қабул қилишга торлик қилаётгани, алалхусус бу ердаги шарт-шароитлар ҳам талабга жавоб бермай қолгани боис аксарият намозхонлар масжид атрофидаги кўчаларда ҳам ибодатларини адо қилишга мажбур бўлишаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлари эътиборга олиниб, Сурхондарё вилоят ҳокимининг "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудидан янги масжид қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди.

(Давоми 2-бетда)

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН БАЙРАМ ТАБРИГИ

***Янги йил, айниқса, болажонлар учун завқли. Мана шундай завқли кунлардан юртимизда барча болажонлар бирдек баҳра олишлари учун байрам арафасида ҳокимлик, ташкилот-корхоналар, маданият ходимлари ҳамкорлигида махсус дастурлар доирасида маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.***

Бу каби тадбирларга ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларини ҳам қамраб олиш кўзланган. Шу муносабат билан Янги йил байрами арафасида Сурхондарё вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов ҳудудий студиялар орқали ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 100 нафарга яқин фарзандлари иштирок этишди.

Қорбобо ва эртак қаҳрамонлари ҳамроҳлигидаги қизиқарли байрам тадбирида иштирок этган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Юсуф Жўраев ҳамда туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари ва муассасалар раҳбарлари болажонларни Янги йил билан қизғин табриклаб, уларга байрам совғалари улашишди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида болажонлар учун туман Маданият маркази



киритилган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган байрам тадбирида иштирок этиб, болаларни табриклади. Хусусан, ушбу тадбирда Бойсун туман студияси орқали камбағалликни қисқартириш дастурига ходимлари ҳамда эртак қаҳрамонлари ва қорбобо иштирокидаги махсус концерт дастури намойиш этилди.

**Юнус ХОЛИЁРОВ,**
**туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.**

## "ОМОНХОНА" ТУРИСТИК МАРКАЗИ

### БОЙСУН ТУРИЗМИ РИВОЖИДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА



Кейинги йилларда вилоятимиз, шу жумладан, Бойсун туманининг туризм салоҳиятини юксалтириш, соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, воҳада туризм саноати бугунгача ҳам мамлакатимиз туризм саноати ривожланган баъзи ҳудудларга қиёслаганда анча паст. Аммо имкониятлар етарлича. Воҳада туризмнинг деярли барча йўналишлари, хусусан, зиёрат, гастрономик, тоғ, алпинизм, саломатлик туризми ва бошқа йўналишларни ривожлантириш учун манбалар, географик қулайлик мавжуд. Фақат тегишли инфратузилмаларни яратиш, замон талаби даражасига етказиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини яхшилаш талаб этилади.

Бойсун воҳанинг туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларидан бири сифатида эътироф этилади. Ҳудуднинг асосий қисми тоғли манзиллардан иборат эканлиги туризм саноатини ривожлантириш учун энг самарали омил. Жазирама ёз ойларида ҳам сақланадиган салқин ҳаво, қуюқ тоғ арчазорлари, Тешиктош, Амир Темур ғори, Хўжамайхона, Хўжа гур-гур ота, Қизил каньон, Тангисара дараси каби манзиллар, Узундара, Болоқўрғон, Поёнқўрғон, Мунчоқтепа каби тарихий манзиллар ва бошқа табиий ажойиботлар ҳамиша маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига тортиб келган.

БОЙСУН

Азиз муштарийлар!

2025 ЙИЛ УЧУН "БОЙСУН" ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади.
(Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

Йиллик обуна баҳоси — 270000 сўм.

# “ОМОНХОНА” ТУРИСТИК МАРКАЗИ

## БОЙСУН ТУРИЗМИ РИВОЖИДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

(Боши 1 -бетда)

Айни пайтда ҳудудда 60 дан ортиқ маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳудудда туризмни ривожлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, бугунги кунда маҳаллий тадбиркорлар томонидан Хўжақўчқорота, Тангисар дараси, Хўжамайхона булоғи ҳудудида ташкил этилган туристик масканлар хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат қилмоқда. Аммо булар, таъкидланганидек, мавжуд имкониятлардан фойдаланишнинг арзимаган даражасини ташкил этади, холос.

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, вилоят туризм бошқармаси, туман ҳокимлиги ва тегишли вазирликлар томонидан Бойсунда туризм саноатини ривожлантириш борасида олиб бораётган тизимли дастурий ишлар, айтиш жоизки, яқин келгусида янги ва самарали истиқболлар яратилишига умид уйғотади. Айниқса, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекрацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (16.12.2024 йил) ПҚ-439-сон қарорига асосан туманимизда йирик “Омонхона” туристик маркази бунёд этилиши, айтиш жоизки, Бойсуннинг туризм имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.



Таъкидлаш жоизки, “Омонхона” туризм маркази туманимиз ҳудудида давлатимиз раҳбарининг махсус қарори асосида барпо этилажак сайёҳлик йўналишидаги дастлабки йирик лойиҳа ҳисобланади. Умумий ер майдони 220,5 гектарни ташкил этувчи ушбу туризм мажмуасида барча зарур шарт-шароитлар, инфратузилмалар яратиш кўзда тутилган бўлиб, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, соғломлаштириш, умумий овқатланиш объектлари, савдо-кўнгилочар ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш назарда тутилган. Шунингдек, “Омонхона” туристик маркази билан боғловчи йўлларни, 15 километр электр тармоқларини реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, пиёдалар йўлаклари барпо этиш, оқова сув тозалаш иншооти ва тармоғини қуриш, Омонхона қишлоғи ва туризм маркази ҳудудини сифатли интернет тармоғи билан таъминлаш ва бошқа бир қатор муҳим инфратузилмаларни барпо этиш белгиланган. Қарорда “Омонхона” туристик маркази қаторида вилоятимизнинг Сариосиё туманида “Сангардак” ҳамда Жарқўрғон туманида “Обиҳаёт” туристик марказлари барпо этиш учун Сурхондарё вилоят ҳокимлиги томонидан етакчи маҳаллий ва хорижий компанияларни жалб қилиш ҳам белгилаган бўлиб, мазкур туризм марказлари барча талабларга жавоб бера оладиган замонавий туризм объектлари сифатида барпо этилиши ва келгусида вилоятимиз туризм салоҳиятини чинакамига кўтара олишига кафолат беришини англатади.

**Д.ОРИПОВ.**

# ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗ АМАЛИ

(Боши 1 -бетда)

2019 йилда бошланган масжид қурилишида ўтган беш йил давомида туманимиздаги барча саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар, бошқа шахслар ва вилоятлар, ҳатто хорижда бўлиб турган ҳамшаҳарларимиз бош қўшиб, беминнат ҳиссаларини қўшдилар. Ушбу кошона ўзига хос архитектура ечимида тўлиғича ҳашар йўли ва юзлаб тадбиркорлар, минглаб оддий инсонлар ҳамкорлигида бунёд этилгани фикримиз далилидир.

Ҳақиқатан ҳам деярли тўрт юз йиллик тарихга эга Саримозор жомеъ масжиди узоқ йиллик мустабид тузум қулаганидан кейин ишга тушган ўша замонларда намозхонларимизнинг сони ҳам саноқли эди. Бироқ кейинги йилларда мамлакатимизда диний эркинлик, диний бағрикенглик тамойилларига кенг имкониятлар берилаётгани, фуқаролар исломий амалларни эмин-эркин бажаришлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратиб берилгани боис намозхонларимиз сони ҳам кескин ошди. Мана шундай бир вазиятда туманимиз аҳли учун ҳам замонавий шарт-шароитлар бўлган жомеъ масжидига бўлган эҳтиёж пайдо бўлдики, бу борада биз бойсунликларнинг мурожаатларимизни эътиборга олган раҳбарларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Бир вақтнинг ўзида етти минг нафардан ортиқ намозхонларни сиғдира оладиган янги Бойсун жомеъ масжидининг катта хонақоҳ қисмида балконлар ҳам қилиниб, қишда иситиш, ёзда совутиш имкониятлари яратилди. Бу ерда, шунингдек, жума намозидан ташқари беш вақт намоз ўқиш учун 45 нафар намозхонга мўлжалланган алоҳида намозхона, 80 киши бир вақтда таҳорат қилишга мўлжалланган таҳоратхона ҳам мавжуд. Айниқса, бугун маҳаллаларда хотин-қизларнинг диний амаллар ва миллий урф-одатларимизга тўғри амал қилишлари учун бош-қош бўлган отинойи аёллар хонаси, никоҳ ўқиладиган хона ҳам ташкил этилгани, биз бойсунликлар учун қувонарли янгилик десам адашмаган бўламан.

Аслида масжидлар фақат намоз амалларини бажарувчи маскан эмас, балки диний-маърифий, маънавий тарбия маскани ҳам эканлиги, бинобарин, бу ерга ташриф буюрувчилар учун диний ва дунёвий билимларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги масжидда махсус кутубхона ҳам барпо этиш режалаштирилган эди. Мана шу мақсад ижобати ўлароқ бу ерда ташкил этилган кутубхонадаги диний ва дунёвий адабиётлар, қўлланмалар, газета-журналлардан барча фуқароларимиз бемалол фойдаланишлари мумкин.



Шаҳримиз маркази кўркига кўрк қўшиб турган ва маҳобатли икки минора, улкан ложувард гумбаздан иборат масжид ўз маҳобати ва архитектура ечимига кўра ҳозирда вилоятимизда ягона ҳисобланади. Бу ерда мингта енгил автомобиллар учун тўхташ майдонлари мавжудлиги ва масжид атрофидаги боғ-хиёбонлар кўкаламзорлаштирилиб, минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилгани жомеъ масжидимизга ташриф буюрувчи диндошларимиз ва сайёҳ-меҳмонларимизга янада манзур бўлади, деган умддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу янги масжиднинг сифатли ва барча шароитлар билан бунёд этилишида ҳисса қўшган тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар ва ҳашарчи ҳамшаҳарларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Илоҳим, Яратганнинг амри билан ушбу муқаддас даргоҳ фуқароларимиз, қалби иймонга, эътиқодга ва маърифатга содиқ бўлган диндошларимизга узоқ йиллар ва асрлар хизмат қилиши насиб қилсин.

**Зариф ҳожи ЧОРИЕВ,**
**Бойсун жомеъ масжиди имом-хатиби.**

# ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

***Янги йилни кутиб олиш, нишонлаш дунёнинг турли мамлакатларида турлича кўриниш, турлича талқин ва турлича одат ва анъаналар билан ўтказилади. Аммо буларнинг ичида барча мамлакатларга хос ягона бир анъана ҳам бор. Бу — барча жойларда Янги йил оила дастурхони атрофида, оила аъзолари ва таниш-билиш, яқинлар билан биргаликда ўтказилишидир.***

Турли миллат ва халқларнинг миллий анъана ва одатлари ҳам мевалардан иборат бўлиб қолган.

Бугун барча хонадонларда ўрнатилган Янги йил рамзи — яшил арчаларда осилган минг турфа шиша ўйинчоқлари дастлаб Германияда пайдо бўлган.

Инглизлар Янги йилда байрам дастурхонини безатишдан кўра кўпроқ янги кийим сотиб олишга эътибор қилишади. Австралияликлар эса Янги йил кечасида кам овқатланиб, аксинча кўп спиртли ичимликлар истеъмол қилишади.

Ўзбекистонда Янги йилни 31 декабрда нишонлаш анъанага айлангани тарихи жуда узоққа бориб тақалмаса-да, юқорида таъкидланганидек, у бугунги кунда халқимиз интиқлик билан кутадиган ва оммалашган байрамлардан бирига айланган. Бизда бу байрам асосан оила аъзолар ва яқинлар билан биргаликда ўтказилади ва ҳар бир оила ўз имкониятларидан келиб чиқиб сарф-харажат қилишади.

Янги йил тантаналарига ўзига хос қоришиб, ҳар хилликни юзага келтирган. Айниқса, бу нарсани Янги йил дастурхонига тортиладиган миллий таомларнинг ўзига хослиги билан кўриш мумкин.

Григориан тақвими амал қилувчи мамлакатларда Янги йил 31 декабрда, ҳижрий тақвим амал қилувчи давлатларда эса 21 март кунида нишонланади. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, мамлакатимизда 21 март ҳам миллий байрам сифатида нишонланади.

Янги йилни кутиш билан боғлиқ бир-бирига ўхшамаган, ҳатто бир-бирини инкор этувчи одатлар бор. Масалан, Италия халқи Янги йил кечасида барча эски нарсаларни улоқтиришади. Кипрликлар эса Янги йил кечасида баъзан чироқни ўчириб қўйишаркан. Уларнинг фикрича, қоронғулик омад элчиси эмиш.

Дунёда Янги йил кечаси яқинларига ғилдирак совға қилувчи французлардан бошқа халқ ёки миллат бўлмаса керак. Бу одатнинг оммалашувига французлар ғилдиракни Янги йил рамзи деб билишлари сабаб бўлган.

Янги йилда совғалар қилиш одати дастлаб қадимги римликларда пайдо бўлган. Янги йилда римликлар бир-бирларига омад ва бахт тимсоли бўлган дафна япроқларини тақдим қилишган. Бугунги кунга келиб Янги йил совғалари турлича кўриниш тус олган. Лекин деярли барча давлатларда Янги йил совғаларининг аксарият қисми тансиқ ширинликлар ва

Байрам дастурхонига тортиладиган таомлар асосан миллий таомлардан иборат бўлади. Аммо баъзи бир дастурхонларда Европа ошхонаси анъаналарини ҳам кузатиш мумкин. Таомилар асосан оғир ҳазм бўлувчи хўраклардан иборат бўлгани боис, турли хил салатлар, пишириқ-ширинликлар ҳам тортилади. Кейинги пайтда яқин қўни-қўшнилар навбат билан бир-бирларнинг уйига ўтиб, байрамона гурунглар ташкил этиш ҳам оммалашган.

Барчамиз йил давомида кутиб, шод-хуррамлик билан ўтказадиган Янги йил байрамининг мана шундай ўзига хос ажойиботлари билан бирга эътиборсизлик ва кунлик овқатланиш тартибини бузиш, ҳаддан ташқари тўйиб овқатланиш натижасида тасодифий заҳарланиш, ошқозон-ичак етишмовчиликлари билан боғлиқ кичик ташвишлари ҳам йўқ эмас.

Шунинг учун ҳам шифокорлар ҳатто Янги йил кечасида ҳам таъбингиз ва соғлиғингизга қараб таомланишни маъқул кўришади.

**Интернет материаллари асосида Сарвиноз ПАРМОНОВА тайёрлади.**

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

***Ҳар доимги анъанага кўра Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил якуни арафасида мамлакатимиз тадбиркорлари билан навбатдаги учрашув ўтказди. Унда соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича 2024 йил якунлари ва 2025 йил мўлжалланган режалар муҳокама этилди.***

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг бўлиб ўтган учрашувда қилган марузалари ҳамда учрашув давомида тадбиркорлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилмоқда. Бу ўз навбатида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз томонидан чуқур этироф этилаётганлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, Президентимиз алоҳида такидлаб ўтганларидек, биз учун муҳим стратегик вазифага айланган ва бу ҳақиқатни биз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида 2024 йил давомида олиб борилган ишлар, амалга оширилган вазифалар мисолида кўрдик

Давлатимиз раҳбари мавзу юзасидан фикр билдирар эканлар, сўзларининг бошидаёқ тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири - ҳуқуқий асослар ва кафолатлар 2024 йил давомида ҳам мустаҳкамланиб борилганлигини эслатиб ўтдилар. Яъни якунланган 2024 йилнинг ўзида тадбиркорлик фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга 5 та қонун, 101 та фармон ва қарорлар қабул қилинган. Йил давомида айнан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 275 триллион сўм кредитлар ажратилди. Президент таъкидлаб ўтганидек, 2025 йилда тадбиркорлар учун ажратиладиган кредит маблағлари 300 триллион сўмга етказилиши мўлжалланган. Кичик бизнесга ажратиладиган кредитлар улуши 25 фоиздан 45 фоизга оширилиб, 120 триллион сўмга етказилади. Бу деярли икки баробарга кўп дегани. Тадбиркорлик соҳасини давлат даражасида мунтазам қўллаб-қувватлаш, молявий кўмак бериш ва бошқа таклиф этилган имтиёз ҳамда имкониятлар натижаси ўлароқ тадбиркорлик тизимида 2024 йил давомида қўшимча минглаб иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш фақат молявий қўллаб-қувватлаш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Уларнинг фаолиятини барча соҳа ва йўналишлар сари йўналтириш орқали тадбиркорликни Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий кучига айлантириш борсида ислоҳотларга ҳам кенг аҳамият қаратила бошланди. Масалан, кейинги пайтларда мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар кўпайиб бораётгани, йўл, туризим соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳам тадбиркорлар яхши натижаларга эришаётгани бунинг мисолидир. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда фикр билдирар эканлар, бугунги кунда мамлакатимизда мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар 24 тага етгани ва энди бизда ҳам энергия ишлаб чиқаришда рақобат муҳити яратилганлигини алоҳида таъкидладилар. 2024 йилда 260 километр йўлларни созлаш тадбиркорларга берилгани, 2025 йилда эса 3000 километрга етказилиши, “Ташаббусли буюджет“ лойиҳаси бўйича йўлларни таъмирлаш ишларининг 92 фоизи хусусий пудратчилар томонидан бажарилгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам тадбиркорлик тизимини қўллаб-қувватлашнинг самараси дейиш мумкин.

Учрашув видеойиғилиш кўринишида бўлиб ўтгани боис унда минглаб тадбиркорлар ҳудудлардаги студиялар орқали иштирок этиб мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Эътиборли жиҳати шуки, тадбиркорликни ривожлантириш пировард натижада мамлакатимизда монополяни юмшатиш, барча соҳаларда кучли рақобат муҳитини пайдо қилишга хизмат қилмоқдаки, бу иқтисодиётни юксалтириш ва фаровонликни таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишларни самарадорлиги учун энг муҳим омил ҳисобланади.

**Санжар МАВЛОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси бошқарма прокурори.**

# КЎЧАТ ҚАНДАЙ ЭКИЛАДИ?

Кўчат қайси мавсумда экилишидан қатъий назар унинг устига 10 литр миқдорда сув қуйилиши керак. Бу жараён тупроқдаги намликни сақлаб туришга хизмат қилади. Қуйилган сув сингиб кетгандан кейин унинг устига тупроқ тортиш керак. Шунда тупроқ ёрилишининг олди олинади. Кўчат экиш жараёнида унга ўғит бериш мумкин эмас. Чунки кўчатнинг илдизини кимёвий ўғитлар куйдириб қўйиши мумкин. Ўғитларни кўчатнинг вегетация даврида бериш керак. Кўчат экилганидан 2-3 кун ўтиб, у кесилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Агар олдинроқ кесилса, кўчат тагидаги намлик чиқиб кетади ва қуриб қолади. Кўчатни кесишдан мақсад эса илдиз тизим яхши ривожланиши ва у ўзини озуқа билан таъминлаб бера олиши кўзда тутилади. Кўчатни 40 см. дан 70 см. гача кесиш тавсия этилади. Кўчатни қия қилиб кесишга эътибор қаратиш керак. Агар уни тўғри ҳолда кесилса, кесилган жойда микроблар йиғилиб, касаллик ва зараркунандалар зарар етказиши мумкин. Қия қилиб кесишнинг яна бир афзаллиги ёмғир оқиб кетиши осон бўлади.

**Салоҳиддин МАҲМУДОВ,**
**Азим НОРБОЕВ,**
**туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторлари.**

# ТАБИАТ ТАЖОВУЗНИ КЕЧИРМАЙДИ

***Иқлим ўзгариши ва экологик инқироз, жумладан, инсоннинг табиатга нисбатан кўрсатаётган мислсиз тажовузи боис яшиллик оламининг қисқариши ортидан чўлланишларнинг глобал тус олаётгани дунё экологларини ташвишлантираётган энг улкан муаммога айланиб улгурди. Шу боис мамлакатимизда ҳам мавжуд яшиллик дунёси, хусусан, мавжуд ўрмонзорларни асраб-авайлаш, сақлаш замонамизнинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Амалдаги қонунчиликда табиатга, яшиллик дунёсига етказилган ҳар қандай зарар учун жазо белгиланиши ҳам шундан. Ушбу талабларни назар-писанд қилмай, ўз шахсий манфаати учун ўрмонларимизга болта кўтариб кирувчи инсонлар, афсуски, ҳозир ҳам орамизда мавжуд.***

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Бойсун туман судида кўрилган ишда икки нафар ана шундай инсонларнинг қилмишлари устидан суд қарори эълон қилинди.

Улардан бири — фуқаро А.Холов жорий йилнинг 2 октябрида Бойсун давлат ўрмон хўжалигининг Алачапон ўрмон бўлимига қарашли ўрмонзордан ҳеч бир рухсатсиз, ўрмон чиптасисиз, ўзбошимчалик билан етти дона Зарафшон арча дарахтининг ён шохларини кесиб, қурилишбоп даста (стойка) қилиш баҳонасида табиатга 787 минг сўмлик зарар келтиради. Бу ҳақда судга мурожаат қилган даъвогар Бойсун давлат ўрмон хўжалиги вакили М.Эшонқуловнинг гувоҳлик беришича А.Холовнинг бу қилмиши ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан вақтида аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 79-моддаси 1-қисмига асосан 1650000 сўм жарима жазоси тайинланган. Натижада суд даъвогарнинг даъво аризасини қисман қондириб, жавобгар А.Холовдан Бойсун давлат ўрмон хўжалиги фойдасига унинг қилмиши туфайли табиатга етказилган 787000 сўм миқдоридаги зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тоғларимиз кўрки, сизу биз нафас олаётганимиз — ҳаво таркибидаги кислород заҳирасини тўлдириб турувчи тоғ ўрмонларимиз нафақат ёмон ниятли оддий фуқаролар, балки ўз вазифаси масъулиятини ҳис қилмайдиган ўрмон қоровулбегилар эътиборсизлигидан ҳам азият чекиб туради. Бебаҳо ўрмонларимиз тақдири ишониб топширилган мана шундай инсонлардан бири — Хомкон ўрмон бўлими қоровули Т.Раззоқов ўз вазифасига нисбатан совуққонлик ва эътиборсизлик қилгани сабаб фуқаролар томонидан унинг назорати остида бўлган ер майдонидаги ўрмонзордан ўсувчанлигини йўқотмаган 14 туп Зарафшон арча дарахтларининг ён шохлари ҳамда 8 туп ўсувчанлигини йўқотган Зарафшон арча дарахтининг таг қисмлари кесиб шикаст етказилган. Натижада ўрмон қоровулининг бепарволиги табиатга жаъми 3.978000 сўм миқдорида зарар келтириши билан якунланди.

Бу ҳақда даъво аризаси билан мурожаат қилган Сурхондарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг вакили таъкидлашига кўра фуқаро Т.Раззоқов муқаддам ўз қилмиши учун унга тегишли тартибда белгиланган жариманинг 3,5 миллион сўмини тўлаб, 478.000 сўмни тўламай келган.

Суд даъвогар томонидан тақдим этилган асосларни ўрганиб, жавобгар Т.Раззоқовдан даъвогар — Сурхондарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фойдасига 478000 сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бир туп тоғ арчаси вояга етгунича камида юз йил керак бўларкан. Аммо уни нобуд қилиш учун дақиқалар кифоя. Ўрмонларимизга ёмон ниятда болта кўтариб кирувчи фуқаролар ўзларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари билан бир неча дақиқада она табиатнинг бир асрлик меҳри эвазига бизга ҳадя этилган бебаҳо неъматини йўқ қилиш баробарида, табиатга тузатиб бўлмас зарар етказаётганларини ҳис қилишларини истардик. Зотан, табиатга етказилган моддий зарар, юқоридаги икки ҳолатда бўлганидек, қопланиши мумкин, аммо нобуд бўлган яшиллик олами, хусусан, йўқотилган арчалар ўрнини тўлдиришнинг асло иложи йўқ.

**Л.УСАРОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Бойсун туман суди раиси.**

# СЕКТОР ФАОЛИЯТИДА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

***Туман прокурори сектори ҳудудида якунланган 2024 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг (08.01.2019 йилдаги) “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-4102-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.***

Жумладан,сектор раҳбари томонидан фуқаролар билан жами (2024 йил 15 декабргача) 67 маротаба сайёр қабул ўтказилиб, билдирилган 324 та мурожаатларнинг 224 таси (69 фоизи) қаноатлантирилиб, 100 таси бўйича (31 фоизи) ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шунингдек, сектор раҳбари томонидан 46 маротаба ўтказилган ёшлар билан бўлган учрашувларда билдирилган 164 та мурожаатнинг 115 таси қаноатлантирилиб, 49 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Бундан ташқари, сектор штабига келиб тушган 36 та мурожаатнинг 34 таси қаноатлантирилди.

Йил давомида сектор раҳбари томонидан 148 та фуқарога 93 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шундан 117 нафар фуқарога 53 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 22 нафар фуқарога 30,8 млн. сўмлик қурилиш материаллари, 5 нафар фуқарога 15,5 млн. сўм пул маблағлари ҳомийлик ҳисобидан етқазиб берилди.

Йил давомида сектор ҳудудидаги ишсиз фуқаролар, ёшларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида 2-сектор штабида 7 марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, ушбу ярмаркаларда 65 га яқин корхона ва ташкилотлар 258 та иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркалари давомида 20 нафар фуқаролар Германия давлатига ишга боришлари учун немис тилини ўрганиш ва 40 нафар ёшлар касб-ҳунар мактабларига йўналтирилиб, 48 нафар фуқаро ишга жойлаштирилиб, йўлланма берилди. 150 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, 64 та фуқаро доимий, 148 нафар фуқаролар эса жамоатчилик ишларига жойлаштирилди.

Бугунги кунда 2-сектор ҳудудида 7427 нафар ёшлар истиқомат қилаётганлиги эътиборга олиниб, ёшлар билан ишлаш доирасида ҳам қатор вазифалар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар мавзуида 103 маротаба маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, 9200 нафар ёшлар қамраб олинди “Прокурор кубоги“, спорт мусобақалари, “Заковат“ интеллектуал ўйинлари ва бошқа спорт ҳамда маънавий-маданий тадбирларда жами 6320 нафарга яқин ёшлар иштироки таъминланди.

Сектор бўйича “Ёшлар дафтари“га киритилган ёшларнинг муаммолари билан ишлаш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани боис 152 нафар ёшларнинг турли кўринишдаги муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 26 нафар ёшлар субсидия асосида меҳнат қуроллари билан таъминланиб,7 нафар ёшларнинг сафарбалик чақирув тўловлари тўлаб берилди. 30 нафар ёшларга кредитлар ажратилди, 62 нафар ёшларнинг тўлов контракти ўтказиб берилди ва 27 нафар ёшларга бошқа кўринишдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Аёлларга ғамхўрлик, айниқса ижтимоий кўмак ва ҳимояга муҳтож аёлларга эътибор мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя борасидаги ислоҳотларнинг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Мана шу талаб-истаклардан келиб чиқиб, 2-сектор миқёсида “Аёллар дафтари“га киритилган 1010 нафар хотин-қизларга мудом ижтимоий кўмак беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада уларнинг 808 нафарига турли кўринишдаги ёрдамлар кўрсатилди. Чунончи, 354 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланиб, 29 нафарига тикув машинкаси, 5 нафарига электродуховка, 420 нафарига бир марталик моддий ёрдамлар берилди.

Сектор ҳудудида мавжуд бўлган ижтимоий муаммолар, хусусан аҳолини ичимлик суви, электр энергияси, газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган вазифалар амалга оширилишига эришилди.

Хусусан, ҳудудларда 90 та электр тармоғи устунлари ўрнатилди. 6 та янги трансформатор ўрнатилиб, 250 дан ортиқ кўча чироқлари, 7,1 км. масофадаги электр тармоғи симлари билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди. Аҳолини ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 1 та сув минораси барпо этилиб, 9,6 км. сув тармоқлари янгидан тортилди, 5,2 км. сув қувурлари тамирланди. Шунингдек, 0,5 км. газ қувури таъмирланиб, 167 та хонадонга газ баллонлари етказиб берилди. 3,9 км. масофадаги ички йўллар асфальт, 5 км. масофада шағаллаш ишлари амалга оширилди.

Йил давомида барча йўналишларда олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ 6526 нафар аҳолининг электр, 1921 нафар аҳолининг ичимлик суви, 688 нафар аҳолининг табиий ва суюлтирилган газ, 4040 нафар аҳолининг йўллардан фойдаланишдаги шароитлари яхшиланишига эришилди,

**М.ҲАЙИТОВ,**
**Бойсун туман прокурори, 2-сектор раҳбари.**

# БОЛАНИ ОТАГА КЎРСАТМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БОР

***Баъзан ҳаётда оилавий ажримлардан сўнг фарзандларни отага кўрсатмаслик борасидаги низолар пайдо бўлиши ҳолатлари учраб туради. Одатда, аксарият ҳолда болалар она қармоғида қолдирилади ва ажрим давригача бўлган ҳар икки томон ўртасида рўй берган келишмовчиликлар, шунингдек, бошқа сабаблар боис отага фарзандни кўрсатмасликка ҳаракат қилинади.***

Хўш, бундай ҳолларда қонунчиликда нималар назарда тутилган?

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 77-моддасига асосан бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Мазкур талабга зид равишда ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин. Агар ота-она васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолатни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор шахсга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

**Н.ШОИМОВ, Бойсун туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.**

# ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ВА ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Омма ичида “пақиллоқ” деб аталувчи пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида, аксарият ҳолларда ёш болаларнинг жабр кўриши ҳолатлари, афсуски, ҳозир ҳам учраб турибди. Айниқса, байрам арафаси ва байрам кунларида бундай воқеалар тез-тез содир бўлиши кишида ташвиш уйғотади. Аммо унинг аянчли оқибатидан, кези келганда доим ҳам хулоса қилмаймиз.***

Мамлакатимизда пиротехника воситаларини қонунга зид равишда олиб кириш,сотиш ва тарқатиш ҳамда фойдаланиш қонун билан тақиқланган. Бироқ шахсий манфаат кўриш мақсадида бу каби тақиқларни айланиб ўтишга уринаётган кимсаларнинг ўйламай иш тутишлари оқибатида ҳар йили минглаб ёш болалар турли хил тан жароҳати олиш ва ногирон бўлиши ҳолатлари кўпайиб бормокда. Бу каби оғриқли масалага ота-оналар, кенг жамоатчилик эътиборсиз бўлаётгани эса вазиятни янада жиддийлаштиришига олиб келиши мумкин.

Пиротехника воситаларини аҳоли гавжум, ёш болалар ҳаракатланаётган жойларда ишлатишнинг оқибати янада оғриқли. Чунки ногаҳон чақнаш ва кучли овоздан қўрқув туфайли ёш болалар ва кексалар, беморлар турли хил руҳий стресслар олишлари ҳам мумкинки, бунинг оқибати янада аянчли бўлиши ҳолатларига дуч келяпмиз.

Мазкур чиқишимиз орқали энг аввало ота-оналарга ўз фарзандларини назорат қилиб туришлари ва пиротехника воситалари билан ўйнамасликлари, унинг оқибатлари ҳақида эслатиб туришларини сўраб қоламиз. Арзимаган эҳтиётсизлик ва бепарволик фарзандингиз ҳаётига хавф солиши, ҳатто умрбод ногирон аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини унутманг.

Шу ўринда фуқароларни яна бир муҳим қишки профилактик тадбир — уйларни иситишда газ, электр энергияси ва кўмирдан фойдаланиш жараёнида барча хавфсизлик чораларига риоя қилишларини эслатиб қўймоқчимиз. Қишки мавсумда носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш, газ ва электр тармоқларида пайдо бўлган носозликларга эътибор қилмаслик, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдириш ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутманг. Бу каби профилактик эҳтиёткорликка нафақат байрам кунлари, балки бутун қиш мавсумида қатъий амал қилсангиз сиз оила-аъзоларингиз, ўзингизнинг ҳаётингизни турли кўнгилсизликлардан сақлаб қолган бўласиз.

Эсда тутинг, олов тилсиз ёвдир. У хонадонингизга фақат эҳтиётсизлик, эътиборсизлик туфайли келади. Шу боис хонадонингиз, иш жойингизда ёнғин келтириб чиқарувчи ҳолатлар ва носозликларни сезиб қолсангиз дарҳол тегишли ташкилотлар ёки фавқулодда вазиятлар бўлимининг ёнғинга қарши бўлинмаларга хабар қилинг.

**Д.АБДУРАҲИМОВ,**
**Бойсун туман ФВБ ПНБ катта инспектори, капитан.**

# ДОИМИЙ ХИЗМАТДАМИЗ

***Авваллари гапни газ тўловлари, уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида бошлардик. Эндиликда ҳамма тушуниб етган ҳолда табиий газ тўловлари олдиндан амалга оширилаётган бир вақтда фақат гап хизмат қилишга қолди холос. Фақатгина табиий газ ва газ етиб бормаган ҳудудларга газ баллонлари етказиш борасидаги вазифалар зиммамизда экан, бу ишни амалга оширишда ҳамиша камарбастамиз.***

Тўғрисини айтадиган бўлсам, Бойсун хонадонларига газ етказиб бериш корхонамизда икки йўналишда олиб борилмоқда. Табиий газ билан таъминланган хонадонларга узлуксиз газ ёқилғиси етказиб бериш бизнинг биринчи навбатда бажариладиган ишимиз бўлса, иккинчиси шаҳардан узоқроқ — табиий газ етиб бормаган ҳудудлардаги уйларга газ баллонлари етказиб бериш бизнинг бош вазифамиздир. Бу ҳар доим бажариладиган ишларимиз сирасига киради. Аммо қутлуғ байрам кунлари бажариладиган ишларимиз, эътибор ва талаб ўн бараварга оширилиши мумкин.

Мана, Янги йил кунларида ҳам қутлуғ айёмни хурсандчилик билан кутиб олиш ниятида бир ой олдин тадбирлар тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Қайсики, газ етиб бормаган маҳаллаларга газ баллонларини етказиб беришни икки-уч бараварга кўпайтириш, шаҳар ва унга яқин маҳаллаларга табиий газни узлуксиз етказиб бериш мажбуриятларини олганмиз. Шу асосда ҳар куни иш бошлаймиз, назорат-тартибни йўлга қўйамиз. Албатта, Янги йилда уйларимиз иссиқ, газ плиталари доимий ёниб турса бундан яхшиси йўқ.

**Бахтиёр НОРМАМАТОВ,**
**“Бойсунтумангаз” корхонаси бошлиғи.**




# БО РОҲИ ПАДАР

*АВВАЛАШ ОХИРАШ ДАР ШУМОРАИ ГУЗАШТА*

—Дар боғи нав навъҳои нисбатан машҳур ва ба талаби бозори имрўз мувофиқ ниҳоли ангурҳоро шинонидаву парвариш намудем. Ниҳолҳо кайҳо боровар гашта, кунун ҳосили худро бурдборона ба комҳо мерасонанд, — таъкид мекунад Н.Ҷўрақулов.

Бист оила, ки ҳама маскуни деҳаи Бибиширин ноҳияи Бойсун буда, асосан пайвандони Норқул Ҷўрақулованд, дар як муддати кўтоҳ муваффақ гаштанд, ки дар 7 га замини комилан урён боғи себзор бунёд созанд. Ҳоло дар асоси қоидаҳои агротехникӣ ин боғи серҳосил нигоҳубин мешавад ва аз ҳосили фаровонаш даромади хубе ба даст меояд.

Аммо аъзои хоҷагии фермерии “Турдӣ Ҷўрақул” аз он шикоят мекунанд, ки сол аз сол оби обёрикунанда дар ҳудуди ноҳияи Бойсун камтар мешавад ва ин боиси талафоти бештари ҳосили боғҳои ангуру себ мегардад. Мутахассисон дар он назаранд, ки дар даҳ соли охир иқлим хеле тағйир ёфта, сатҳи боришоти солона нисбатан коҳиш ёфтааст.

—То фасли зимистон дар кўҳҳо захираи барф зиёд нагардад, дар Бойсун оби ошомиданӣ ва обёрӣ ба мушкилии сахте мубаддал мешавад. Шукўҳи боғзорони Бойсун маҳз ба боришоти барфу борон вобаста буда, дар сурати халал ёфтани он чашмаҳо беоб мондаву хушк мешаванд ва дар натиҷа фасли гармои сол об танқис шудаву хоҷагиҳои фермерии минтақа сахт азият мекашанд. Баъзан хараҷоте, ки давоми сол барои ободии заминҳо мекунед, назар ба даромад зиёдтар мешаванд ва деҳқон ба ҷои фоида зарар мебинад, — аз мушкилии кори фермерони маҳаллаӣ сухан ба миён оварда, таъкид мекунад акои Норқул.

Аз чунин зарарҳо, ки солҳои охир пайваста рух медиҳанд, аҳли хоҷагии фермерии “Турдӣ Ҷўрақул” як зарра дилсард шуда бошанд ҳам, заминҳои таҳти назорати худро ҳаргиз ба ҳоли худ намегузоранд ва ба уммеди фардои неку дурахшон пайваста заҳмат мекашанд. Онҳо хуб медонанд, ки як адад ниҳол сабз кардаву борвар сохтан чӣ қадар машаққат дорад.

Норқул Ҷўрақулов аз нақшаҳои ояндаи хоҷагии фермериаш бо ҳарорат ҳарф задаву гуфт, ки агар ҳамқадами замон пеш наравед, таҷоруби пешқадамро дар амал татбиқ насозед, зуд муфлис ва аз маъраз берун мегардед. Вай мутмаин аст:

—Минбаъд бояд аз технологияи пешқадам истифода кунем. Об, ки манбаи ҳаёти сабзу дурахшон аст ва яке аз неъматҳои беҳтарини Худованд ба шумор меравад, ба далели нописандиҳои одамиизод ва аз роҳи хато рафтаву арҷ нагузоштан ба ин мўъҷизаи худовандӣ кунун камёбтар мешавад. Аз ин рў, бояд беш аз пеш қадр гардад. Нақша дорем, ки обўрии қатравиро ба роҳ монем. Албатта, барои дар амал татбиқ сохтани ин усул мебояд ки як миқдор хараҷот кашем. Умедворем, ки боҳғои ангурзору себзори хоҷагиро ба ин тартиб аз офатҳо, хоса аз беобии ногузир раҳо бахшидаву рўзгори худу мардумро обод месозем.

Норқул Ҷўрақулов танҳо ба ҳосили боғҳои худ маҳдуд нагашта, шуғлҳои нави соҳибкориро низ пеш гирифтааст. Масалан, дар як гўшаи ҳавлии худ тавилаеро рост намудаву бо молпарварӣ низ машғул мегардад. Дар гўшаи дигари замини иҳотааш ду анбори сардхона сохтааст, ки меваи боғҳои серҳосили хоҷагӣ дар он нигаҳдорӣ мешаванд. Дар ин сардхонаҳо зиёда аз 100 тонна ангуру себ ҳифз мегарданд ва давоми сол ба бозорҳо интиқол меёбанд. Ба сохтмони ин сардхонаҳо ҳудуди 800 миллион сўм масраф гардидаас.

—Як замонаҳо ҳосили боғҳои худамонро ба сардхонаҳои ноҳияҳои дигар бурдаву нигаҳдорӣ мекардем, ки хараҷоти зиёде дошт. Ҳоло меваҳоро дар сардхонаи хоҷагӣ маҳфуз медорем, — мегўяд Норқул Ҷўрақулов. — Акнун хараҷоти мо коҳиш ёфта, ба даромаде, ки дар назар аст, изофа мегарданд.

Ин марди боғайрат дар ин авохир муваффақ гардид, ки дар як шафати ин сардхона коргоҳи хурди коркарди ширро бо номи “Сабрина” сохтаву ба истифода диҳад ва аз аҳолии деҳаи Бибиширину Ширинобод як миқдор ашёи хом харидаву чандин маҳсулот истеҳсол намояд. Барои сохтану ба истифода дода шудани ин коргоҳ 700 миллион сўм сарф шудасст. Аз ин миқдор 200 миллион сўм аз ҳисоби қарзҳои имтиёзнок истифода гаридааст, ки ҳукумати ҷумҳурӣ барои ривоҷи соҳибкорӣ ва тиҷорати хурд ҷудо кардааст. Дар коргоҳи мазкур дастгоҳҳои чинӣ насб гардидаанд ва дар як рўз имкони коркарди 1 тонна ширро доранд. Дар айни ҳол 300-400 литр шир аз аҳолӣ харида дубора коркард карда мешавад ва аз он 15 намуд маҳсулоти ширӣ истеҳсол мегарданд. Кефир, қаймоқ, сметана, ёгурт ва чакка аз ҳамин ҷумла буда, бештар харидор доранд ва аҳли коргоҳ низ вобаста ба талаботи бозори дохилӣ анвои маҳсулоти истеҳсолии худро интихоб мекунанд. Бо сохта шудани Коргоҳи “Сабрина” панҷ адад ҷои кори доимӣ ба вуҷуд омадааст, ки Норқул Ҷўрақулов онро низ дар ихтиёри таборон гузоштааст. Маҳмадова Зубайда ва Ҷўрақулов Пўлод аз зумраи коргарони пешқадами ин коргоҳи хурди истеҳсолӣ мебошанд.

Дар арафаи 33-юмин солгарди Истиқлолияти Ўзбекистон ҳокими вилояти Сурхондарё Улуғбек Қосимов ва раҳбарони секторҳо ба коргоҳи “Сабрина” омадаву аз ҷидду ҷаҳди як соҳибкори деҳотӣ ба ваҷд омаданд ва хеле ситоиш намуда, идораҳои дахлдорро муваззаф сохтанд, ки дар ҳалли мушкилоти чунин соҳибкорон мусоидат намоянд.

Хидматҳои Норқул Ҷўрақулов дар роҳи ривоҷ додани соҳаи хоҷагии фермерӣ ва соҳибкорӣ муносиб қадр ёфтаанд ва ў бо нишони сарисинавии “Илғор Фермер” (Фермери пешқадам) ва нишонҳои “25-солагаии Истиқлолият” ва “30-солагии Конститусияи Ўзбекистон” мукофотонида шудааст.

—Бо роҳи падар рафтаву саҳв накардаам, — мегўяд бо сарбаландӣ ў. — Маҳз ҳамин роҳи пуршараф маро дар байни мардум мўътабар гардонд. Барои халқу Ватанам аз сидқ хидмат хоҳам кард!

Бояд гуфт, ки арзи ҳастӣ намудани соҳибкорони ҳалолкор ва садоқатманди маҳаллӣ боиси ифтихор буда, ҳукумати ҷумҳурӣ низ ҷонибдори онҳо мебошад ва хеле хушбин аст, ки онҳо ривоҷ ёбанд ва ба ободии рўзгори мо мусоидат намоянд.

**Шариф Халил,**
**хабарнигори “Овози тоҷик”, вилояти Сурхондарё.**

# ГАНҶИ РОЙГОН

Аз он бозе, ки ба истиқбол расидем, мардуми аз таърихи гузашта, фарҳанг, дини худ, осори диниву фалсафии хеш бо як назари тоза менигаранд ва барои омўхтани он то кунун як силсила корҳои нек аз ҷониби олимони мо ба амал баровгарда шуд. Дар ин ҷода ҳукумати ҷумҳурӣ низ ба мардум як қатор корҳои некро роҳандозӣ намуд. Бо ташаббуси худи Президент озмунҳои китобхонӣ эълон дошта, беҳтаринҳо бо мукофотҳои пулӣ қадр шуданд.

Ҳоло ҳамагон аз он ҷумла падару модарон ва устодони макотибҳои олӣ ва миёна сахт норизо ҳастанд, ки мактаббачагон ва донишҷўён ба китобхонӣ завқу шавқи беандоза надоранд. Чӣ бояд кард, ки ҳамагон китобхон бошанд?

Ҳалли ин муаммо хеле мушкил аст, вале он роҳҳоиислоҳи хешро дорад.

Тиббиёти Шарқ ва унсурҳои дини мубини Ислом исбот намудааст, ки фарзанди инсон ҳанўз дар шакли ҷанин)-чормоҳагӣ дар батни модар гўши шунаво пайдо мекунад ва бо қазову қадр ошно мешавад. Чун навҷавонон ба қайди никоҳи давлатӣ мегузаранд ба онон идораи қайди никоҳ китобҳо тўҳфа кунанд ва бароящон тавсия диҳанд, ки ин китобҳоро хонанд. Дар ин сурат онҳо ин китобҳоро хонанд ва дар бораи асрори оиладорӣ ошно шаванд. Агар падару модар китобхон шуд, он албатта ба насли ў бетаъсир намемонад.

Сониян, гузаштагони мо, дар гаҳвора ва арғунчакҳои зери болини кўдакаон бештар Қуръон ва куллиёти Хоҷа Ҳофизро мегузоштанд, то ки ин китобҳои муқаддас ҳамрозу ҳамдами онҳо шавад. Тифлро аз бало дур медошт. Меҳри ў ҳанўз аз гаҳвора ба китоб пайдо мешуд. Хонандагони арҷманд, рўзнома дар оғози Соли нав тасмим гирифт ки аз абёти бузургон пораҳои насрӣ ва шеъриро бароятон пешкаш карда, умед бар он дорад, ки шумо онро хонда шавқу завқатон нисбати ин ганҷи ройгон зиёда мегардад. Бо сад умеду орзуҳои нек чанд ҳикоятҳои пандомезро аз “Гулистон“ Саъдии Шерозӣ асрҳо боз қадру қимати хешро набохтааст, бароятон ҳавола мекунем.

### ҲИКОЯТ

Овroutанд, ки Нўширавони одилро дар шикоргоҳ сайде кабоб мегарданд, намак набуд, ғуломеро ба русто фиристод, то намак орад. Нўшервон гуфт:

—Ба қимат бистон, то расме нашаванд ва деҳ хароб нагардад.

Гуфт:

—Аз ин қадар чӣ хел зояд?

Гуфт:

—Бунёди зулм дар ҷаҳон аввал андак будааст ва ҳар кӣ омад ба ў мазиде кард, то бад ин ғоят расид:

Агар зи боғи райят хўрад ма лик себе,
Бароваранд ғуломони ў дарахт аз бех.
Ба панҷ байза, ки султон си там раво дорад,
Занад лашкариёнаш ҳазор мурғ ба сих.

### ҲИКОЯТ

Вазири ғофилеро шунидам, ки хонаи раиятро хароб кардӣ. То хонаи султон обод кунад. Бехабар аз қавли ҳукамо, ки гуфтаанд: — Ҳар ки худои таолоро биёзорад, то халқро дил ба даст орад. Худои азза ва ҷалла ҳамон халқро ба вай гуморад, то димор аз рўзгораш барорад, чунон ки гуфта шуд.

Байт:

Оташи сўзон накунад бо си панд,
Он чӣ кунад дуди дили дард манд.

Сари ҷумлаи ҳайвонот, гўянд, шер аст ва камтарини ҷонварон хар. Ва ба иттифоқ хари борбар, беҳ, ки шери мардумдар.

Мискин хар агарчӣ бетамиз аст,
Чун бор ҳамекашад азиз аст.
Говону харони борбардор,
Беҳ з-одамиёни мардум озор!

### ҲИКОЯТ

Подшоҳе ба куштани бегуноҳе фармон дод. Гуфт:

—Эй малик, ба муҷиби хашме, ки туро бар ман аст, озори худ меҷўй?

Гуфт:

Чӣ гуна?

Гуфт:

—Ин уқубат бар ман ба як дам сар ояду базаи он бар ту ҷовид бимонад:

Даврони бақо чу боди саҳро бигузашт,
Талхиву хушиву зишту зебо бигузашт,
Пиндошт ситамгар, ки ҷафо бар мо кард,
Дар гардани ў бимонду бар мо бигузашт.

**Маликро насиҳати ў писандида омад ва аз сари хуни вай даргузашт.**

# ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ МИНБАРИ

## ТОИФАЛАШ ТИЗИМИДА ИШЛАШНИНГ САМАРАСИ

***2024 йилнинг апрель кунида Юртбошимиз раислигида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар уч тоифага “яхши”, “ўрта” ва “аҳволи оғир” тоифаларига ажратилиши таклифи берилган эди.***

Бугунги кунда ёшлар билан маҳаллабай ишлашда мазкур тизим амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Бизнинг “Мустақиллик” маҳалламизда ҳам ёшларни тоифалашда уларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, улар билан манзилли, аниқ мезонлар асосида ишлаш режалаштириб олишди. Унга кўра яхши ўқиётган, тадбиркорликни йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилияти бор, ижтимоий фаол бўлган 816 нафар ёшлар “яхши” тоифага, турмуш тақозосига кўра расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол 607 нафар ёш “ўрта” тоифага ва давлатнинг ғамхўрлиги ҳамда эътиборини кутаётган, кўмакка муҳтож 16 нафар ёшлар “аҳволи оғир” тоифага киритилди.

Шунингдек, олиб борилган мониторинг натижасида 1 нафар профилактика, хорижий давлатдан қайтган 6 нафар, ажрим ёқасида турган 2 нафар, безорлик қилишга мойил, агрессив хулқли 1 нафар, мунтазам дарс қолдирадиган 2 нафар, нотинч оилада тарбияланаётган 3 нафар (1 нафари пробатсия назоратида) ёшлар аниқланиб, улар билан белгиланган мезонлар асосида тизимли ишларни амалга ошириб бориш йўлга қўйилди. Айниқса, бу йил маҳалла ёшлари билан ишлашда жорий этилган янгича тажриба асосида илк маротаба маҳалламиздаги эътиборга муҳтож ёшларнинг Термиз Давлат Университети ректори А.Тошқуловга бириктирилгани биз етакчиларга ёшлар билан ишлашда маънавий ҳамкорлик муҳитини яратмоқда.

Ўтган давр мобайнида “аҳволи оғир” тоифага киритилган 16 нафар ёшларнинг 9 нафарида ижтимоий муаммолар мавжудлиги аниқланиб, шундан 1 нафар оилавий ажрим ёқасидаги фуқаронинг тўлов контракти қоплаб берилди, 1нафар пробацияда турган ёш пробация ҳисобидан чиқарилиб, ишга жойлаштирилди, 3 нафар ёшларга ўз-ўзини банд этиш учун асбоб-ускуна олиб берилди ҳамда 4 нафар ёшлар қизиқишидан келиб чиқиб немис тили курсларига жойлаштирилди. Уларнинг мунтазам дарс қолдирувчи икки нафарига дарсларга қайтарилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Миграциядан қайтган ёшлар билан тизимли ишлаш доирасида хориждан қайтган 2 нафар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида уларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, 3 нафар эътиборга муҳтож ёшлар спорт, санъат, маданият ва китобхонлик йўналишидаги тўгараклар, мусобақа ва танловларга йўналтирилиб, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши таъминланди.

Ўтган 2024 йилда бошланган бу каби хайрли ишларни кириб келган 2025 йилда ҳам тизимли равишда олиб боришда қатор вазифалар белгилаб олинди. Зеро мақсадимиз маҳалламизнинг ҳар бир ёш йигит-қизлари учун ўз имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг энг фаол қатламига айланишлари учун етарли шарт-шароит ва қулай муҳит яратишдан иборат.

**Нурбек БОЙҚОБИЛОВ,**
**“Мустақиллик” МФЙ ёшлар етакчиси.**

## ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

***Бугун маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш, бу борадаги натижалар, муаммо ва ютуқлар ҳақида исталган киши ёш фуқаролар ҳақидаги энг ишончли маълумотлар базаси — “Ёшлар баланси” платформасидан ўз истаган маълумотларни олиши, хабардор бўлиши мумкин. Зотан, мазкур платформа ёшларнинг таълимга қамраб олинганлиги, иш билан бандлиги, оилавий ҳолати, ижтимоий аҳволи, саломатлиги, иқтидори ва қизиқишларига оид энг муҳим маълумотлар жамланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.***

Мазкур базага маълумотлар жойлаштириш ва маҳалла ёшларига тегишли энг муҳим масалалар билан ишлаш айнан ёшлар етакчиси зиммасидаги иш бўлиб, бунда маълумотлар устида ишлашда етакчидан биринчи навбатда ёшлар билан индивидуал ишлаш талаб этилади. Бу соҳадаги ҳар қандай қоғозбозлик, охир-оқибат ёшлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқий аҳволни яхшилаш эмас, билъакс муаммоларининг кўпайишига хизмат қилади, холос.

Мен фаолият кўрсатиб келаётган Оби маҳалласи ёшлари ҳаётида ҳам ўзига хос ютуқлар қаторида муаммолар етарлича. Уларни босқичма-босқич бартараф этишнинг дастлабки энг муҳим шарти эса ўша муаммоларнинг шаффофлигини таъминлаш ва аниқ таҳлиллар асосида ҳал этишнинг энг муҳим йўналишларини танлаб олишдан иборат. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда сўнгги вақтларда уйма-уй кириб ўрганишлар натижасида ёшларнинг иқтидори, хусусан IT ва инновацион қобилияти, спорт, санъат, маданият, китобхонлик йўналишлари, хорижий тил, ҳарбий спорт ҳамда касбий қизиқишлари ўрганилиб, тегишли тартибда уларга амалий ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Жумладан, маҳалламизнинг ёшлар балансига киритилган 14-30 ёшдагилар 637 нафарни ташкил этиб, шундан жорий йилда уларнинг 9 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилди. 337 нафар йигит-қизлар эса уларнинг қизиқишлари, имкониятларидан келиб чиқиб спорт мусобақалари ва турли хил танловлар билан қамраб олиниб, бўш вақтларининг мазмунли ўтиши таъминланди.

Ёшлар ўртасида ишсизликнинг кўпайиб кетиши, руҳиятида тез таъсирчанлик хусусиятлари устувор бўлиш ҳолати, ҳаддан ташқари индивидлашиб бориш, яъни, жамоатчилик таъсиридан, жамоатчиликдан узоқлашиш жамият учун ҳам, ҳар бир ёш йигит-қизларнинг ўзлари учун ҳам энг хатарли омил ҳисобланади. Зеро, мана шу санаб ўтилган омиллар гирдобида яшаб турган ҳар қандай ёшларда зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш, ўз-ўзини бошқара билмаслик, пессимистик кайфиятга таслим бўлиш мойиллиги юқори бўлади. Ёшларни бу каби хатарлардан ҳимоя қилишнинг ягона йўли эса уларнинг бандлигини таъминлаш, ўз иқтидори, имкониятига муносиб билим ва тарбия олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Албатта, муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз ёшларига қилаётган беқиёс эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаётга тўғри тадбиқ этиш орқалигина биз кўзланган мақсадимизга эриша оламиз ва бунинг учун жойларда бўлгани каби бизнинг маҳалламизда ҳам барча имкониятлар мавжуд деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари биз ёшлар билан бўладиган ҳар бир учрашувлар, мулоқотлар жараёнида мамлакатимиз равнақи, унинг порлоқ келажаги учун бошланган улкан ишлар ижросида энг аввало, бугунги ёшларга, уларнинг салоҳиятига ишонишларини алоҳида таъкидлаб келадиларки, демак, биз ёшлар ҳам ўз навбатида Президентимизнинг бизга билдираётган ишончларига муносиб авлод бўлишга интилишга бурчлимиз.

**Нурали ЖУМАЕВ,**
**Оби МФЙ ёшлар етакчиси.**

## ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАСИ



***Янги йилимизнинг ғоят қизиқарли, серзавқ ўтиши бевосита ташкилотчилар билан бирга қишлоқ хўжалиги ва савдо ходимлари меҳнатига ҳам бевосита боғлиқ. Ҳозир қайси маҳалла хонадонларига борманг ажиб байрам қувончи устидан чиқиб қоласиз. Тайёргарликлар зўр, дастурхонлар обод. Албатта, мўл-кўлчилик яратиш йўлида меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш ходимлари бу борада ўзларининг ҳимматларини кўрсатиш билан Янги йилимиз қувончига қувонч қўшмоқдалар. Маълумки, туманимизда уч юздан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд. Ҳар бир маҳаллада кўплаб савдо дўконлари, шаҳар марказининг ўзида эса тўртта бозорнинг савдоси қизигандан қизиган.***

Анъанага кўра биз туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ҳамкорлигида шаҳар деҳқон бозорида арзонлаштирилган маҳсулотлар ярмаркасини ташкил этдик. Унда қирққа яқин озиқ-овқат маҳсулотлари қўйилган бўлиб, арзон нархда сотилаётганлигига гувоҳ бўласиз.

—Бир сўм бўлса-да, гўшт маҳсулотининг арзон нархларда сотилиши биз учун қулай, — дейди харидор З.Халилов. — Мана бир ой мобайнида гавжум бозорнинг бир чеккаси арзонлаштирилган маҳсулотлар билан тўла. Бошқа жойда мол гўшти 95-100 минг сотилаётган бир пайтда, бу ерда килограмми 70 минг, қўй гўшти 80 минг сўмдан харид қилиняпти. Бундан ташқари, қанд-курс, турли ширинликлар ва хўжалик ёғи ҳам арзонлаштирилган нархда харидорларга етказиб беріляпти. Истардимки, нафақат байрам кунлари балки бу ярмарка йил давомида ҳам фаолият кўрсатиб турса...

Энди гап фермер хўжалиги раҳбарларида қолди. Агарда гўшт ва сут маҳсулотлари билан доимий равишда бозорларимиз обод этилса, бу биринчи навбатда халқимиз, қолаверса фермерлар ва деҳқон хўжаликларининг ўзлари учун ҳам фойдадан холи эмас.

**Даврон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Департаментнинг туман бўлими бошлиғи.**

## ЯНГИ БАЁЗ




***Яқинда Сурхон адабий жамоатчилиги “Сурхондандур сирли сурурлар” деб номланган янги баёзи Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг сўз боши ўрнидаги “Иморат” шеъри билан бошланган. Китобда сурхондарёлик таниқли ижодкорлар Сафар Кокилов, Тоштемир Турдиев, Йўлдош Мирзаев, Қурбонпўлат Назаров, Нарзулло Холиқов, Ахтамқули Карим, Сафар Омон, Исроил Шомиров, Жаъфар Муҳаммад, Қудрат Шарипов, Фолькин, Ҳайдар Тўра, Қўшон Абдулла, Жўрабек Рамазоновлар билан бирга ўттизга яқин Сурхон воҳаси ижодкорларининг ҳикоя, достон ва шеърлари ўрин олган. Ушбу баёзга каминанинг ҳам йигирмага яқин шеър ва тўртликларим киритилганидан мамнунман. Баёз материллари Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси Йўлдош Мирзаев томонидан тўпланган ва Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Замира Ражабова томонидан нашрга тайёрланган.***

***Қалин муқовали 438 бетдан иборат ушбу баёз Тошкентдаги “Ганжина” нашриётида шоира Холидан Исмоил қизи муҳаррирлигида чоп этилган. Мен бир ижодкор сифатида баёзнинг чоп этилишига ўз ҳиссасини қўшган масъулларга миннатдорчилигимни билдираман.***

***Серқуёш Сурхон ўлкамиз қалам аҳлига, маънавиятимиз фидойиларига янги баёз муборак бўлсин.***

***Ёқуб НОРСАИДОВ.***



## ЙИЛНИНГ СЎНГИДА...

*Йилнинг сўнгги куни кузатдим ўзни,*
*Баҳорларим қайда, ёзларим қайда?*
*Ишқдан танҳо ёдгор илоҳий сўзни,*
*Ҳижжалаб ўқийман, кузларим қайда?*

*Ҳечам тўхтамаскан умр дегани,*
*Бизни қайларгадир бошлаб кетаркан.*
*Гўёки бу дунё ғамим егану,*
*Кулдириб, гоҳ эса ёшлаб кетаркан.*

*Гўдак бўлгим келди, айни шу чоғлар,*
*Онамнинг бағрида, ота уйимда*
*Афсус тополмасман, соғинчлар, доғлар,*
*Муножот йиғлайди куйимда.*

*Ёзилмаса майли, кутганим шу байт,*
*Ордона қолсинлар, ғамлар галаси.*
*Жон йилим, истагим келар йилга айт,*
*Ҳар уйда янграсин ҳаёт алласи.*

*Йилнинг сўнгги куни кузатдим ўзни,*
*Баҳорларим қайда, ёзларим қайда?*

*Шоира Жаҳон.*

## Янги йил шеърлари

**Эшқобил ШУКУР.**

*Дон каби сепилди совуқ туманлар,*
*Оқ қорларни кийган йўллар чиройли.*
*Уйларнинг кўзлари деразаларда*
*Очилиб-сочилган гуллар чиройли.*

*—Совуқ қотмадингми синглим, эгачим,*
*—Акажон жонимдан ўтмоқда аёз, —*
*Сеҳр-афсунларга етмади кучим,*
*Қорбобо эмасман, Эшқобил, холос.*

*Ялдо кечасида бир йилни кечдим,*
*Оғир-оғир эди бу кеча кўнглим.*
*Онам аллаларин эслаб энтикдим,*
*Уларни Тошкентда сен айтгин, синглим.*

*Боладай тинглай деб келдим қошингга*
*Унут қўшиқларнинг қаридан қақшаб.*
*Онам аллаларин айтгин бошимда,*
*Эгачим, айтиб бер онамга ўхшаб.*

*—Янги йил келмоқда, ака, янги йил!*
*Ягона байрам бу, ғамгинсиз бироқ?*
*—Мени онам каби тушунгил, сингил,*
*Ахир ўтган йилим ўйлатар кўпроқ.*

*Ҳа, бир йил руҳимдан кечиб бормоқда*
*Гоҳо шод, гоҳ маюс палласи билан.*
*Кутмоғим зарурдир ҳар янги йилни,*
*Онамнинг энг ширин алласи билан.*

*Ялдо кечасида бир йилни чекдим,*
*Қаршила, муштипар сўзларни тўшаб.*
*Онам алласини эслаб энтикдим,*
*Эгачим, айтиб бер онамга ўхшаб.*

*Бу йил ҳам сўнг манзил қошига борган,*
*Не топиб, неларни йўқотар кўнгил.*
*Сендан акангга деб бериб юборган,*
*Онамнинг алласин йўқотма, сингил.*

## ЯНГИ ЙИЛ

*Қарсаклар чалиниб кириб келдинг йил,*
*Бир дунё, дунёни эгнигга ортиб.*
*Менинг ҳам боғимга юриб келдинг йил,*
*Тарози тошида ўзингни тортиб.*

*Аччиқ ростларимдан тўйгандир балки,*
*Ширин ёлғонларга во, ажаб йўлим.*
*Уфқнинг ўчоғида куйгандир балки,*
*Бу оқшом қўшиқлар айтмаган дилим.*

*Пешонамга нелар ёзилган билмам,*
*Билганим, ёзмоғим тақдирнинг иши.*
*Туғилдим, ҳаётга беҳуда келмам,*
*Бекорга учмайди кўнглимнинг қуши.*

*Сулҳ тузай сен билан, келган янги йил,*
*Юрагим тубида дард бор, олам бор.*
*Тўрт фасл бағримда бўлгин янги йил,*
*Шукрким қўлимда дилдош қалам бор.*

*Қарсаклар чалиниб кириб келдинг йил,*
*Бир дунё, дунёни эгнигга ортиб...*

*Шоира ЖАҲОН.*



## ҚОРНИ СОҒИНИБ...

**Заминни тўшасанг оппоққина қор,**
**Ғичирлатиб юрсам қолмаса ғубор,**
**Мовий осмонингга тикилиб ётиб,**
**Пардан тўшагингга юмалагим бор.**

**Лайлак қорингдан бер, майда қорингдан,**
**Барчасин ёғдир, бергин борингдан.**
**Ахир “Аёз” деган номинг бор сени,**
**Кўзларим ёшласин, кел озорингдан.**

**Қадамлар сирпансин музли бағрингда,**
**Бўронлар увласин аччиқ қаҳрингдан.**
**Биламан, чирсиллаб музлаган замин,**
**Бир кун ҳикмат топар совуқ заҳрингдан.**

**Сеҳрли фаслсан, афсона фасли,**
**Эртак, эртак эмас, сен эртак асли.**
**Қорли оқшомингда насибдир балки,**
**Соғинган ишқимнинг соғинчли васли!**

**Заминни тўшагин оппоққина қор,**
**Парли тўшагингга кўнгил интизор!**

**Санобар ЮСУПОВА.**

Бойсун туман ҳокимлиги ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши жамоаси туман ҳокими Боҳадир Шукуровга акаси
**Сафар ШУКУРОВ**
нинг вафот этганлиги сабаб чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“Бойсун” газетаси ижодий жамоаси туман ҳокими Боҳадир Шукуровга акаси
**Сафар ШУКУРОВ**
нинг вафот этгани туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

Туман Ободонлаштириш бошқармаси жамоаси корхона бош муҳандиси
**Сафар ШУКУРОВ**
нинг вафот этгани туфайли марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Azamat G`AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 1700
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

t - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.